

Рўзанинг фазилатларидан бири

15:15 / 21.06.2017 3608

Рўзанинг фазилатларидан бири, у икки дунё бахт-саодати сабабчисидир. Шунинг учун саҳиҳ ҳадисда Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: "Рўзадорнинг икки хурсандчилиги бир. Бири оғиз очгандаги хурсандчилик, иккинчиси роббисига йўлиққан пайтдаги хурсандчилик", деганлар. Рўзадорнинг оғиз очгандаги хурсандчилиги дунёвий ва шошилинич келган шодликдир. Бу ҳам бахт-саодат белгисидир. Бахт-саодатнинг асли қалб қувончидир. Бахт-саодатни қидирганлар уни Аллоҳга тоат-ибодат ва тақвода топишади холос.